

МАХСУС ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ЁНДАШУВ

Жиззах вилояти Халқ таълимига қарашли 32-ёрдамчи мактаб интернати
бошланғич синф ўқитувчиси Мўминова Матлуба Шараповна

Аннотация: Маскур мақолада махсус муассасаларда олиб борилаётган ишларда инклюзив таълим элементлари, алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар учун ташкил этилган таълим тизимида, боланинг ижобий хусусиятларини, қобилиятларини, шахсий сифатларини, ҳисобга олиш бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Инклюзив, модификатсия, компенсатсия, адаптация, реабилитация, аномал бола, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбия.

Баркамол шахсни тарбиялашда уларнинг руҳий жараёнларининг ривожланишини, айниқса имконияти чекланган алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг руҳий жараёнлари хусусиятларини билиш дефектолог мутахассислар учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда дефектологларнинг олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовор. Махсус муассасаларда олиб борилаётган ишларда инклюзив таълим элементлари талайгина. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар учун ташкил этилган таълим тизимида биринчи навбатда боланинг талаблари ўрганилади, ижобий томонлари, қобилияти ҳисобга олинади, камчиликлари ўрганилади.

Ушбу таълим тизимида маълум шароит яратилиши лозим. Бунга модификатсия, компенсатсия, адаптатсия, реабилитатсиялар киради. Масалан, агарда бола эшитмаса, уни эшитиш аппарати билан таъминлаш; юра олмаса-ногиронлар аравачасидан фойдаланиш, қўлида оддий қошиқ ушлай олмаса, уни бошқа қулай ускуна билан таъминлаш ва бошқалар.

Инклюзив таълим бу махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун индивидуаллашган ва шароитга қараб ўзгарувчан, ғамхўрлик билан ёндаша оладиган таълим тизимидир. Ушбу ишлар оддий, меъёрда ривожланган болалар ўқув муассасаларида амалга оширилади. Инклюзив-жалб этиш

(включение) деган маънони англатади, яъни жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бор болаларни соғлом тенгдошлари билан ўзаро боғланиб, биргаликда таълим олишидир.

Буни амалга ошириш учун ҳар бир болага индивидуал ёндошиш, нуқсонидан келиб чиққан ҳолда маълум у учун қулай шароит яратиш, керак бўлса, дастур ва режани қисман ўзгартириш ва х.к. Аномал бола уйига яқин, ўзига қулай оммавий боғча ёки мактабга қатнайди. У ерда асосий ишни тарбиячи ёки синф раҳбари амалга оширади.

Ҳар бир мактабгача тарбия муассасасида ёки мактабда махсус тайёрланган ресурс тарбиячи бўлиб у гуруҳ тарбиячисига маслаҳатлар беради ва кўмаклашади: махсус ўқитиш ускуналари, апаратлари билан таъминлайди; ота-оналар, ўқитувчилар билан тушунтириш ишлари ўтказиши: дарс жадвали, дастурга, керак бўлса, ўзгартиришлар киритади, уларни асослаб беради; ўқитувчиларни малакасини оширади, билим маҳоратини бойитади; соғлиқни сақлаш хизматларини ташкил этади, қулай психологик муҳитни яратади.

Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болани оддий боғча ёки мактабга жойлаштириш интеграция йўлидаги биринчи қадам. Таълим интеграциясининг турли шакллари ва даражалари мавжуд. Жисмоний интеграцияда ногирон ва соғлом бола орасидаги жисмоний тафоввут иложи борича камайтирилиши лозим

Нуқсонли болаларда хаёл, айниқса, ёш болаларда ўзига хос хусусият, кўринишга эга. Эшитиш қобилияти бузилган болалардаги хаёлнинг ўзига хослиги улардаги оғзаки нутқ ва мантиқий тафаккурининг кечикиб шаклланиши билан узвий боғлиқ.

Кўриш тасаввурлари ҳар доим ҳам керакли даражада таҳлил этилмайди. Шу сабаб улар томонидан янги предметлар таҳлили қиёсий амалга ошади.

Демак, нуқсон: кўришми, эшитишми, ақлийми, нутқми барибир хаёл жараёнларининг кечишига, шаклланишига, ривожига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмас экан.

Бу деярли исбот, тушунтириш талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Лекин, бу таассуротларни қанча эрта, муваффақиятли коррексияласак ўқувчиларда ҳаёл жараёнлари шунчалик тез ва тўлиқ ривожланиши мумкин.

Бу жараённинг тафаккур билан чамбарчас боғлиқлигини эътиборга олсак, масаланинг моҳияти янада тезроқ равшанлашади. Ҳаёл шахснинг интилиши, талаблари билан ҳам белгиланади. Кўрган, эшитган, билган нарсалар образлари хотирамизда сақланади.

Керак вақтда буларни тиклашимиз мумкин. Бу жараён хотира образлари сифатида жонланади. Ёки, тасаввурлар шаклида кўз олдимизга келади. Ҳаёл образлари тасаввур образларидан ўзига хос томонлари билан ажралиб туради.

Тафаккур ва ҳаёл оралиғида узвий, мантиқий бирлик, боғлиқлик бор. Аммо, ўзига хос фарқлари ҳам бор. Буларни ажрата олиш даркор. Инсон бирор мураккаб муаммони ечиши талаб этилганда тафаккурга мурожаат этади. Бундай натижаларга эришиш йўллари мавжуд бўлса, тафаккур орқали биз тафаккурдан кўра ҳаёл кучига таянамиз.

Ҳаёлнинг ривожланиши конкрет кўргазма образлардан мавхум тушунчалар орқали янги ҳаёл образлари ижод қилиш тарзида амалга ошириб борилади. Эшитишида нуқсони бўлган болаларда таълим тарбия бериш жараёнида ўйин аҳамият касб этади, чунки ўйин болаларнинг ақлий жиҳатдан фаоллигини оширади, билимга доир ижодий қобилиятларини ривожлантиради.

Маълумки, ҳар бир ўйинда болалар нутқий муомалага киришади. Эшитишида нуқсони бўлган болалар ўйин жараёнида ибора ва гапларни кўп маротаба такрорлайди. Сўзлашув нутқини мулоқот қуроли сифатида шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Ўйин болаларнинг жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиялайди. Аксарият ҳаракатли ўйинлар болаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам беради.

Харакатли ўйинларда уйғун ритмик ҳаракатлар тарбияланади, нутқнинг раван, ифодали бўлишига эришилади. Тўғри танланган ўйинчоқ расм кўرғазмали куроллар эстетик дидни тарбиялайди.

Ўйинлар ўз қоидалари асосида ташкил этилади. Ўйин қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқувчилар жамоада ўзини тута билишни ўртоқларини ҳурмат қилишни уларга ёрдам беришни ўрганади, интизомга одатланади.

Ўйин софлик ва ҳақиқатгўйликни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйин жараёнида ўз кучига ишонч, интилувчанлик қайғулик синчковлик тарбияланади. Ўйинларнинг характери томони шундаки, педагоглар таълим жараёнида ўйин усулига ҳаддан ортиқ берилмаслиги керак.

Ўйинлар эшитишида нуқсонли бўлган болаларни нутқини шакллантиради ҳамда бошқаларнинг нутқини тушунишга ўргатади.

Мазкур ўйинларга ўқувчилар берилган матнлардан муайян нутқ бирликларини ажратишади. Уларда нутқини тушуниш малакалари ҳосил бўлади. Таниш, ҳатто нотаниш бўлган сўзлар, ибораларни, атрофдагилар нутқини тушуниб олади.

Масалан ўқувчилар "Буйруқ бажар" ўйинида ўқувчиларнинг кўрсатмаларини бажаради.

Ролли ўйинлардан ўқув материалларни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар матн билан танишгач, асар сахналантирилади. Стол театри воситасида ёхуд сюжетли ролларни кўрсатиб уни батафсил ифодалайди, ўқувчилар эса роллар воситасида расмдаги ҳаракатларни ва сюжетли иштирокчиларнинг нутқини акс эттиради.

Ролли ўйинда ўқитувчи уятчан, камгап болаларни фаол ролларга, ҳаддан ортиқ фаол болаларни тинч ролларга жалб этиши керак. Ўйин мавзуси дастур талабаларидан келиб чиққан ҳолда танланади ҳамда тушунарлиги ҳисобга олинади.

Фойдаланилган адабиёт ҳамда ахборот манбалари

1. Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлари психологияси). Т. 2002.
2. Ғозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси. Т. 2010.
3. Крайг Г. Психология развития. М. 2000.

4. Карабанова О.А. Психология развития и возрастная психология. Конспект лекций. М. 2006.

4.Toshpo'latova, N. (2021). CHET TILI FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>

5.Toshpo'latova, N. (2021). ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЫВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1386>